

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2021 йил 24 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Халиловнинг котиблигида, Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Комилов ва Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи инспектори иштирокида, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи бошлиғининг

Зоирхонов Носирхон Шовкат ўғли,
05.07.1992 йилда Тошкент вилоятида туғилган,
миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси
фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, мукаддам
судланган, Тошкент шаҳри Олмазор тумани
Қорақамиш ¼ даҳаси, 1-уй 60-хонадонда
яшовчига

нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини йиғма жилд материаллари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Зоирхонов Носирхон Шовкат ўғли жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2018 йил 12 март кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 5 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар судининг 2019 йил 13 август кунидаги ажрими билан Зоирхонов Носирхон Шовкат ўғлининг ўталмай қолган 3 йил 5 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 10% миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Маҳкумга нисбатан чиқарилган ажрим Олмазор туман ИИО Пробация гуруҳи ҳисобига 2019 йил 9 сентябрь куни олинган. Унга ахлоқ тузатиш ишлари жазо турини ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилган ва уларга риоя қилиши тўғрисида тилхат олиниб, жазо муддатини ўташ учун маҳкумнинг иш жойи “HAPPY BUILDING SERVIC” МЧЖга ишга юборилган, маҳкум ушбу МЧЖга 2019 йил 3 октябрь кунидан ишчи вазифасига ишга жойлашиб, 2020 йил 30 июнь куни ўз хохишига кўра вазифасидан озод қилинган. Маҳкум жазони ўташ учун “POLIMER GALANERY” МЧЖга ишга юборилган, маҳкум ушбу МЧЖга 2020 йил 1 июль кунидан қоровул вазифасига ишга жойлашиб, 2021 йил 30 июнь кунига қадар ишлаб келиб ўз хохишига кўра вазифасидан озод қилинган. Маҳкум жазони ўташ учун “TECHAVTO” МЧЖга ишга юборилган,



махкум ушбу МЧЖга 2021 йил 9 август кунидан фаррош вазифасига ишга жойлашиб, ҳозирги кунга қадар жазо муддатини ўтаб келмоқда, ҳозирда маҳкум Н.Зоирхонов ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо турини 2 йил 1 ой 8 кунини ўтаган, ўталмаган жазо муддати 1 йил 4 ой 11 кунни ташкил қилади.

Суд мажлисида Н.Зоирхонов, у содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, суддан уни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи инспектори, ҳақиқатдан ҳам маҳкум Н.Зоирхонов Пробация гуруҳи ҳисобида туришини, Н.Зоирхоновни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, туман прокурори катта ёрдамчисининг киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб берган хулосасини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, киритилган тақдимномани қаноатлантиришни ва Н.Зоирхоновни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 541-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Зоирхонов Носирхон Шовкат ўғлига тайинланган жазонинг ўталмаган қисми, яъни муддати 1 йил 4 ой 11 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб 20 кун ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья

Х.Содиқов

